

Давонийнинг тўла номи Жалолиддин Мухаммад Асад ас-Сиддикӣ ад-Давоний бўлиб, 1427 йилда Эроннинг Казарун вилоятига карашли Давон кишлогига тугилган. У ёшлигиданок илм-фанга, айникса, мусулмон фикхшунослигига кизикади ва бошлангич мактабни битиргандан сўнг Шерозга келиб, мадрасада йирик олимлар кўлида тахсил олади.

Кейинчалик у Шероз шахрининг козиси этиб тайинланади. Козиликдан истеъфога чиккандан сўнг мадрасада мударрислик килади. Кейинчалик яна ўз кишлогига кайтиб, умрининг охиригача (1502) илмий иш билан шугулланади. У Давон кишлогига дафн этилган.

Манбалардан маълумки, Жалолиддин Давоний Марказий Осиё олимлари ва шоирларининг ижоди ва дунёкараши билан яхши таниш бўлган. У Форобий, ибн Сино, Насириддин Тусийнинг илмий мероси, асарларини кунт билан ўрганган, уларнинг илмий ва инсонпарварлик гояларидан хабардор бўлган. Хусусан, у Хирот, Ви-зантия (Рум), Озарбайжон, Кермон, Хурмуз, Табаристон, Хурросон, Журжон мутафаккирлари билан алока килган.

Мухаммад Али Табризийнинг таъкидлашича, Давоний ўз рисолаларини битишда "Византия, Хурросон, Туркистон олимлари хамда Султон Абу Сайд Темурий даврида яшаган машхур мутафаккирларнинг асарларидан фойдаланган". (Мухаммад Али Табризий. Райхонат ул-адаб. Техрон, 1949, 3-том). Давоний Хиротда узок вакт бўлиб, у ердаги олимлар билан якиндан мулокотда бўлиб, Абдурахмон Жомий ва бошка олим, фозиллар билан учрашади. Шерозга кайтиб келгандан сўнг эса Жомий билан муттасил ёзишиб туради. Шунингдек, Давоний Али Кушчи ва унинг рисолалари билан хам таниш бўлганлигини хисобга олсак, Давонийнинг фалсафий ва ижтимоий карашининг шаклланишида Якин ва Ўрта Шарқнинг илмий, маданий меросини ўрганиши хамда кўшни мамлакатлар, айникса, Мовароуннахрнинг машхур олимлари билан алока килиши мухим роль ўйнади.

У салафларининг асарларини тартб килиш билан чекланиб колмасдан, Марказий Осиё мутафаккирларининг маданий, илмий ва фалсафий анъаналарини давом эттирди. Булардан ташкари, у кадимги Юнон ва Марказий Осиё мутафаккирлари Арасту, Афлотун, Фаробий, ибн Сино, Насириддин Тусий ва бошкаларнинг асарларини яхши билар, хатто уларнинг баъзи рисолаларига шархлар хам битган. У кадимги олимлар рисолаларидағи мураккаб ва тушунилиши кийин бўлган муаммоларни шархлаш билан бирга улар хал кила олмаган ботиний ва зохирий илмлар ва мушкул масалаларни еча олар эди.

Давонийнинг илмий мероси бойдир. У фалсафа, мантиқ, фикх, ахлокшунослик, риёзиёт ва геометрия соҳалари бўйича рисолалар ёзган. Ўша даврда унинг асарлари олимлар орасида кенг таркалган бўлиб, улар кўп фанлар бўйича расмий кўлланма вазифасини ўтаган. Унинг "Рисолайи исботи вожиб" ("Заруриятнинг исботи хакидаги рисола"), "Рисолат ул-хуруф" ("Харфлар хакида рисола"), "Ри-солайи фи тавжих ул-ташбих"

Муаллиф:

16.06.2013 18:27 -

("Мажоз талкини хакида рисола") , "Рисола дар илм ул-нафс" ("Рухшунослик хакида рисола"), "Тарикати тарбият ул-авлод" ("Болаларни тарбиялаш усули"), "Арзнома" ("Армияни бошқариш принципи") ва бошка асарлари маълум. Давоний илмий ишлардан ташкари Навоий сингари "Фоний" тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг шеърлари Эрон ва Ирокда чоп этилган. Давоний Мовароуннахр ва Хурросондаги маданий ютуклардан ўз ижодида кенг фойдаланишга харакат килганлиги боис, унинг асарлари Хурросон ва Мовароуннахрда хам таркалиб, бу ердаги турли илмий йўналишга, маънавий хаётга таъсир кўрсатди.

Давонийнинг энг иирик рисоласи - "Ахлоки жалолий"дир. У 1470-1478 йиллар орасида ёзилган ва Гарбий Эрон хокими, Оқ куйинлилар сулоласи вакили Узун Хасанга багишланган. Ушбу китоб 1839 йидда В. Ф. Томпсон томонидан инглиз тилига таржима килинган. Давонийнинг "Ахлоки жалолий" рисоласи форс тилида ёзилган бўлиб, кўлёзмаси дунёнинг жуда кўп музеялари ва кутубхоналарида мавжуд. У 1911 йил Калькуттада чоп этилган. Ўзбекистан Фанлар академияси Шаркшунослик институтида ушбу рисоланинг кўлёзма ва тошбосма нусхалари сакланмоқда. Мазкур асар 1948 йилда Эшонжон Мухаммадхўжа томонидан ўзбек тилидаги кискартма таржимаси амалга оширилган. Рус шаркшуноси А.А Семёнов Рье ва Браунларга асосланиб, Давонининг ушбу рисоласини мусулмон Шаркида машхур китоблар сирасига кўшади.

Китобда мухим ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-хаётний ва ахлокий гоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табакалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшохлар, уларнинг фукароларга муносабати, ахлок ва таълим-тарбия масалалари батафсил тахлил этилган.

"Ахлоки жалолий"да XV асрнинг илгор ахлокий карашлари ўз ифодасини топганки, китобда ўрта аср Шаркининг ахлокий таълимотлари, унинг ютуқ ва камчиликлари акс эттирилган. Асар уч кисмдан иборат бўлиб, ўз навбатида улар яна майда бўлим - "лавом"-ларга бўлинади. Биринчи кисм ахлок фанига багишланган бўлиб, муаллиф ахлокнинг асосий тушунчалари: адолат, шижааткорлик, донолик, иффат ва бошкаларга тўхталади. Иккинчи кисми - "Одамнинг ички холати" деб аталиб, оиласвий хаётга багишланган. Бунда болаларни тарбиялаш ва камолга етказиш, касб-хунарни эгаллаш, хулк-одоб коидалари, нутк маданияти, ота-оналарнинг ўз болаларига муносабатлари ва бошка шунга ўхшаш муаммолар кўтарилади.

Охирги учинчи кисм - "Шахар (давлат)ни бошқариш ва подшохлар сиёсати" деб аталаади. Бу ерда муаллиф шахарларда яшовчи халклар баҳтли бўлиши учун кандай тадбиру чоралар кўриш кераклиги, давлат бошликлари билан фукароларнинг ўзаро муносабати, жамият хакида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Энг сўнгига Насириддин Тусийнинг "Ахлоки носирий" рисоласида келтирилган Афлотуннинг ўз шогирди Арастуга килган васияти берилади.

Давонийнинг ижтимоий карашларида Форобийнинг таъсири яккол сезилиб туради. Инсон бир ўзи меҳнат килиб, яшаш учун ва хар куни зарур бўладиган нарсаларни кўлга киритиши кийин. У якка холда хаёт кечириши учун бир ўзи овкат пишириши, кийим-кечак тикиши, меҳнат куроллари ясами ва шунга ўхшаш кўп ишларни бажариши, бир неча

Муаллиф:
16.06.2013 18:27 -

касб-хунар эгаллашга мажбур бўлар эди. Бу эса амри маҳолдир. "Одамлар бирлашиб, бир-бирига ёрдамлашганда бошқалар тўгрисида чинакамига кайгуради, ўзаро ёрдам ва алока-ўрнатилганда адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг ахволи мустахкамланади ва инсон зоти сакланади" (Давоний. Ахлоки жалолий. 135-варак.)

Давоний ўзининг "Ахлоки жалолий" асарида давлат тўгрисида ўзининг утопик - хаёлий орзусини тасвирлайди. У ибн Мискавайх, Форобиг ва Насириддин Тусий сингари шахарни (давлатни) фозил ва жохилга бўлади. Фозил шахарни тасвирлар экан, Давоний "бу шундай шахарки, унинг коидаси баҳт-саодатга эришуvdан ва баҳтсизликка олиб борадиган ходисаларни бартараф килишдан иборат", - дейди (Ўша жой, 152-варак). Фозил шахарни аклли, адолатли ва жасур кишилар бошқариши лозим. Шахар ахолиси, кайси ижтимоий табакадан бўлмасин, конун-коидаларга сўзсиз бўйсунадилар. Жохил шахар ахолиси эса баҳтсизлик ва фалокат йўлига кирган бўлиб, бундай шахар хокимлари таъмагир, жохил бўладилар, ўз хошиш-истаклари ва хиссаётларини кондиришга ружу кўядилар.

Жалолиддин Давоний ахлок ва таълим-тарбия масалаларига хам катта эътибор беради. Мутафаккирнинг талкинида, ахлок фани ки-шиларнинг амалий фаолияти, тафаккури билан чамбарчас боғланган. Ахлок муаммолари фалсафий, ижтимоий-сиёйи масалалар би-лан бир каторда кўрилади.

Давоний ўз рисолаларида илм-фанни жамиятда тутган ўрнига катта баҳо бериб, кишиларни маърифатли бўлишга, касб-хунарни эгаллашга чакирди. Унинг инсонпарварлик рухи билан сугорилган ижтимоий гоялари умуминсоний характерга эга бўлиб, кейинги даврларда мухим роль ўйнади ва хозир хам ўз тарбиявий ахамиятини йўкотгани йўк.